

277 - وَعَنْ أَبِي شُرِيفٍ حُوَيْلِدَ بْنِ عَمْرٍ الْخُزاعِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أُخْرُجُ حَقَّ الْضَّعِيفَيْنِ: الْيَتَمَّ وَالْمَرْأَةُ». حَدِيثٌ حَسَنٌ رَوَاهُ النَّسَائِيُّ بِإِسْنَادٍ جِيدٍ.
[سک 9105].

ومعنى «أخرج»: الحق الخرج - وهو الإمام من ضيع حقهما - وأحد من ذلك تحذيراً بليغاً، وأجز عنه زجراً أكيداً.

277. Абү Шурайх Хувайлид ибн Амр ал-Хузоъий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳим, икки заифни, яъни етим ва аёлнинг ҳаққини зое қилишингиздан қаттиқ огохлантираман», дедилар.

Ҳасан ҳадис бўлиб, имом Насаий яхши исноҳ ила ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аёл деганда кўз олдимизга энг аввало мўътабар онамиз, қадрли бувижонларимиз, муnis опа-сингилларимиз ва аҳлиямиз келади. Уларга қанча эътибор, ғамхўрлик қилсак, қувонтиришга урунсак барибир оздир. Чунки, мана шу аёллар дунёда янгидан-янги чақалоқ йифиси эшитилишига сабаб бўлаётган зотлардир. Дунёда шундай бир зот борки, уни хар куни эъзозласак ҳам, дилларини ҳушнуд қилишга урунсак ҳам унинг ҳаққини адо

эта олмаймиз. Бу мўътабар зот- онадир.

Расулуллоҳ (с.а.в.): видолашув хутбаларида умматларини уч нарсадан огоҳ этиб, шундай дедилар: “Намоз, намоз, намозга диққат қилинг, унга ҳеч ҳам бепарво бўлманг! “Қўл остингиздагиларга кучлари етмайдиган вазифаларни юкламанг! Хотинларнинг ҳақларини хурмат қилинглар, мен бу хусусда Аллоҳдан қўрқишингизни тавсия этаман. Хотинларнинг ҳақи масаласида Аллоҳдан қўрқинглар! Зеро, улар сизнинг ёрдамингизга муҳтождирлар. Улар сизга Аллоҳнинг омонатидирлар...”

Пайғамбаримиз (с.а.в.) эътибор қаратиш лозим бўлган асосий уч масаланинг бири бу аёлларнинг ҳақи хусусида Аллоҳдан қўрқиши ва уларни Аллоҳнинг омонати деб асраб авайлаш кераклиги эканини ўз умматларига насиҳат қилмоқдалар. Шундай экан, омонатга содик қолиб, аёлларимизнинг турмушини фаровон қилишликка, уларга доимо эътиборли ва муҳаббатли бўлайликка ҳаракат қилишимиз лозимдир.

Манба: hadis.islom.uz

